O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

**Ислом КАРИМОВ:**

БИЗ УЧУН МУСТАҚИЛЛИК — АЛЛОҲНИНГ ЎЗИ ЭЛ-ЮРТИМИЗГА ИНЪОМ ЭТГАН ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ, ХАЛҚИМИЗ ҚУДРАТИ, САЛОҲИЯТИ, АҚЛУ ЗАКОВАТИГА ТАЯНИБ, ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАЁТГАН ҲАР БИР ИНСОН, ҲАР БИР ОИЛА УЧУН МУНОСИБ ҲАЁТ ҚУРИШ, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР УЧУН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛДИРИШДИР.

*Шу азиз Ватан — барчамизники*

# O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 ЙИЛ 3 АВГУСТ ПАЙШАНБА № 88 (26.638)

# МИЛЛАТ ОЗОД — ЮРТ ОБОД, ИСТИҚЛОЛ, БЎЛ ТОАБАД!

МУСТАҚИЛЛИК МАНЗАРАЛАРИ:

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ



Термиздаги замонавий теннис корти



Термиз марказий бозори



«Пахтабанк»

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.




***Биз озод халқмиз. Лекин озодликни олгунимизга қадар оғир бўлди. Сен ҳеч ким эмассан, сен йўқсан, деган ҳақоратга чидай билиш нақадар даҳшат. Истиқлолдан фахрланиш учун эса ана шундай ҳақоратни эшитмасликнинг ўзи катта бахт эканлигини англаш кифоя. Бугун айрим замондошларимиз озодлик ҳақида шундай дейди:***

**Малик МУРОДОВ, профессор:**



— Халқни ўз достонларидан жудо этишган эди. Достонларидан жудо бўлган халқ илдизсиз дарахтга ўхшамайдими? Ким кўрибди, илдизсиз дарахт мева берганини? Истиқлол бизнинг халқ бўлиб униб-ўсишимиз догани.

**Анвар ИБОДУЛЛАЕВ, ўқитувчи:**



— Ўзбек зиёлилари ва адабиётининг елкасини эзиб келаётган оғир тош қулади. Агар халқ ер юзасидан ўчиб кетмайин деса, миллат бўлиб қоламан деса истиқлолни қўлдан бермайди.

**Нодира ШОАБДУРАСУЛОВА, тележурналист:**



— Ер юзида неча ўн йиллардан бери боши урушдан, фожиадан чиқмаётган халқлар бор. Биз тўққиз йил ичида келажак наслларга сабоқ бўлажак мангу обидаларни бунёд этдик.

**Неъматуллоҳ ҲАКИМ, мусаввир:**



— Ўзбек санъатининг шуҳрати дунёни тутди. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида ўзбек ижодкорлари яратган асарларнинг намойиш этилаётгани ўзбек санъатининг зафаридир.

**Олланазар ДЎСТМУҲАМЕДОВ, медицина фанлари доктори:**



— Жаҳон медицинаси ҳали тўлиқ тасаввур қила билмайдиган табиий-тиббий имкониятларга эга бўлган муқаддас жойларимиз бор. Ана шундай юрт ҳали дунё медицинаси ривожига хизмат қилади.

**Муродхон МАМАТОВ, физика-математика фанлари номзоди:**



— Биз дарё бўлиб оққан миллат авлодимиз. Фарзандларимизнинг турли хил бешарм фильмлар, енгил-елпи қўшиқлар, савиясиз китоблар ҳужумидан асраб қолсак, истиқлол ҳимоясида собит турамиз.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ** ёзиб олди

## ИСТИҚЛОЛ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

***Истиқлол бизга нималар берди? Мустақиллигимиздан сўнг сиёсий, ижтимоий ҳаётимизда қандай ўзгаришлар содир бўлди ва бўлмоқда? Шонли санага ким қандай тадорик билан келмоқда?***

***ЎзХДП Урганч шаҳар кенгаши шаҳар ҳокимлиги, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда маҳаллаларда мунтазам ўтказаётган суҳбатларда ана шундай саволлар ўртага ташланиб, ҳар бир савол аниқ мисоллар билан тингловчиларга тушунтирилмоқда.***

***Ўтказилаётган суҳбатларда маҳаллалар аҳли ўзларини қизиқтирган саволлар, кундалик ташвишлар, ечимини кутаётган муаммолар юзасидан фикр-истакларини ўртага ташлаб, шу юзасидан аниқ чора-тадбирлар ҳақида маълумот олишмоқда.***

***Партия ташкилоти ўтказаётган суҳбатлар ўз амалий натижаларини бераётгани ҳам шундан.***

■ **Рўзимбой ҲАСАН**

# «ЭНДИ ОЗОД ЮРТ ФАРЗАНДИ БЎЛИБ БОРАМАН...»

***Ғузор туманининг Улуғбек номли жамоа хўжалигига қарашли «Чуқур» қишлоғида истиқомат қилувчи 59 ёшли деҳқон Алиёр Холиёров Польша Республикасининг Белосток шаҳри ҳокимиятидан таклиф хати олди.***

Унда, жумладан, шундай дейилганди: «Мамлакатимизни босқинчилардан озод қилиш учун қаҳрамонларча ҳалок бўлганларнинг фарзандларини янги минг йиллик арафасида шаҳримизга таклиф қиламиз. Сизни, яъни мард жангчи Холиёр Муродовнинг ўғлини ҳам муборак меҳмонларимиз қаторида кўришни истар эдик...»

... Оддий деҳқон йигит — қишлоқнинг кураги ерга тегмас полвони Холиёр Муродов 1941 йилнинг кеч кузида фронтга йўл олган эди.

Жанггоҳга кетаётганда унинг ортида олти ойлик Алиёр исмли ўғилчаси қолган эди.

Холиёр Муродовдан шу-шу дарак бўлмади. Фақат орадан 46 йил ўтгачгина унинг ўғли Алиёр яхши одамлар ёрдами туфайли катта изланиш ишлари олиб бориши натижасида аскар отаси тақдири саҳифаларини излаб топа олди. Маълум бўлишича, даҳшатли урушнинг тугашига атиги тўрт ой қолганида у Польшанинг Белосток шаҳрини озод қилишдаги қонли жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, мардларча ҳалок бўлибди ва шаҳар ўртасидаги Рус қабристонининг 46 рақамли сағанасига дафн этилибди.

Ўғил Алиёр Холиёров ўша ерлик уруш фахрийларининг таклифига биноан илк бор 1987 йилнинг кузида Польшага сафар қилган эди. У ерда пахтакор йигитни Белосток шаҳри фуқаролари илиқ кутиб олдилар. Меҳмон ўзи билан олиб келган бир сиқим тупроқни отасининг қабри устига тўкди. Шу қабр тупроғидан бир сиқим олиб ўз она юртига олиб кетди ва «Чуқур» қишлоғининг қабристонида отасининг рамзий қабрини тиклади.

Шу-шу Алиёр Холиёров поляк дўстлари билан хат олишиб туради.

— Мабодо иложини тополсам, отамнинг қабрини яна бир бор зиёрат қилиб келишга чоғланаман, — деди у «*Туркистон-пресс*» мухбири билан бўлган суҳбати чоғида. — Лекин энди у ерга аввалги мустабид давлатнинг эмас, балки мустақил Ўзбекистоннинг фуқароси сифатида бораман.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

## Р.С.АЗИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИ – УМУМИҚТИСОДИЁТ КОМПЛЕКСИ РАҲБАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири — Умумиқтисодиёт комплекси раҳбари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2000 йил 1 август

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

## Т.ХОЛТАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ – АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ РАҲБАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Туроп Холтаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири — Агросаноат комплекси раҳбари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2000 йил 1 август

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва республика бозорларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, рақобатни ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, бозорларни монополлаштиришга уринишларга йўл қўймаслик, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи монополияга қарши тартибга солиш тизимини такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

— республикада соғлом рақобат муҳитини яратиш учун зарур ташкилий, иқтисодий ва молиявий шарт-шароитларни, мустаҳкам ҳуқуқий базани шакллантирувчи ва мувофиқлаштирувчи марказ функцияларини амалга ошириш;

— бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи рақобат қонунларини, умумий қабул қилинган нормалар ва қоидаларни самарали амалга оширишни таъминловчи монополияга қарши тартибга солишнинг кучли тизимини барпо этиш;

— инсофсиз рақобатчилар томонидан товар ва молия бозорларини, биринчи навбатда, истеъмол товарлари бозорларини монополлаштириш юзасидан ҳар қандай уринишларнинг олдини олиш, уларни чеклаш ва уларга барҳам бериш;

— монополиядан чиқариш бўйича республика, тармоқ ва минтақавий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

— монополияга қарши қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши, шунингдек, ўз ваколати доирасида табиий монополиялар субъектлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

— монопол бирлашмалар (корхоналар)нинг Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрини юритиш;

— реклама ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

— истеъмол товарлари нархлари мониторингини ўтказиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан биргаликда нархларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига, ички бозорда сифатсиз истеъмол товарлари сотилиши ва хизматлар кўрсатилишига олиб келувчи инсофсиз рақобатнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш.

3. Белгилаб қўйилсинки, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари ҳисобланади:

— Қорақалпоғистон Республикасида — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси негизида ташкил этиладиган Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси;

— вилоятлар ва Тошкент шаҳрида — вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари негизида ташкил этиладиган монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлари вазирликлар, идоралар, жойлардаги ҳокимият органлари, муассасалар ва ташкилотлар, мулкчилик шаклларидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

— монополияга қарши қонунчилик ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва реклама тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузаётган давлат бошқаруви органларига, жойлардаги ҳокимият органларига, хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига ўз ваколатлари доирасида қарорлар (ёзма кўрсатмалар) бериш;

— хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва жойлардаги ҳокимият органлари мансабдор шахсларига қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда жарималар солиш;

— монопол фаолият, истеъмолчилар ҳуқуқларини ва реклама тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш натижасида асоссиз олинган маблағларни (даромад, фойдани), шунингдек, солинган жарималарни ва қўшилган пенияни хўжалик юритувчи субъектлардан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

— фуқароларнинг уларнинг истеъмолчилик ҳуқуқлари поймол қилиниши ҳақидаги аризалари ва шикоятлари бўйича бу ҳуқуқларни бузган корхоналар ва ташкилотларни (уларнинг молия-хўжалик фаолияти бундан мустасно) Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда текшириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари билан биргаликда шаҳар ва туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг шакллантирилишига ҳар томонлама кўмаклашсин, бозорларда сифатсиз маҳсулотлар пайдо бўлишининг, товарлар истеъмол нархларининг ва хизматларга тарифларнинг асоссиз ўсишига олиб келувчи инсофсиз рақобатнинг олдини олишда уларнинг ролини оширишга ёрдамлашсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ходимларига улар томонидан хизмат вазифаларини бажаришларида кўмаклашсинлар, Қўмита ва унинг ҳудудий органлари ходимларига уларга юкланган функцияларни бажаришда тўғаноқ бўлаётган мансабдор шахсларнинг, айрим фуқароларнинг хатти-ҳаракатларининг олдини олсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 15 майдаги ПФ-1464-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, 1-банднинг иккинчи хатбоши бундан мустасно.

9. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2000 йил, 2 август

ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ

# ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — ИСТИҚБОЛНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Ўзбекистон ҳудуди жуғрофий-сиёсий жиҳатдан Осиё қитъасининг ўта муҳим нуқтасида жойлашган. Азалдан Буюк ипак йўли орқали ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тараққий қилдирган ва дунё тинчлиги ҳамда барқарорлигини сақлаб туришга таъсир кўрсатган диёр ҳам ана шу юрт — Ўзбекистон ҳудудидир!

Ер шари «мувозанати»ни сақлаб туришда мустақил Ўзбекистоннинг мавқеи, маданий-маънавий ҳамда жуғрофий жойлашиши ҳам катта стратегик аҳамиятга молик эканлигини тўққиз йиллик истиқлолимиз исботлаб берди. Бу борада Йўлбошчимизнинг бундан етти йил илгари (1993 йил 23 сентябрь) БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон миллий давлатининг кенг имкониятларини, маънавий, иқтисодий ва сиёсий барқарор тараққиёт йўлларини дунёга танитди. Президентимиз сессия минбаридан туриб, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, муаммоларни музокаралар йўли билан бартараф этиш, қуролланиш пойгасини тугатиш каби жаҳоншумул муаммолар тўғрисида гапирди.

Узоққа бормайлик. Яқинда Душанбе яна бир тинчлик ва барқарорлик қасрига айланди. «Шанхай бешлиги»да Ислом Каримов кузатувчи бўлиб қатнашди ва битимлар келишувига мувофиқ Ўзбекистон бу бешликнинг фаол олтинчи аъзосига айланди. Буни Ислом Каримов саъй-ҳаракати меваси десак, хато қилмаймиз. Дарҳақиқат, Германия матбуоти Ўзбекистон раҳбарини *«Ўрта Осиё давлатлари бошлиқлари орасидаги энг кучли Президент»*, Ўзбекистонни эса — *«Ҳамдўстлик мамлакатлари орасидаги энг тинч ва ривожланаётган мамлакат»*, деб тан олди. АҚШ нашри ҳисобланган «Новое Русское слово» газетаси эса *Ислом Каримовни жаҳонда тинчликни сақлаш учун курашчи сифатида Нобель мукофотига муносиб деб баҳолади.*

Йўлбошчимизга XXI аср ибтидосида бу борадаги катта ва юксак даражадаги фаолияти учун бундай юксак мукофот берилишига ишонаман. Ҳозирги даврда тинчлик ва барқарорлик ташкилотчиларидан бири, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос йўлидан тараққий қилиш ижодкори, Марказий Осиё минтақасида жуда кўп иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ривожланиш муаммолари ечилишининг ҳал қилувчиси Ислом Каримов эканлигини жаҳон сиёсатдонлари якдиллик билан тан олмоқда.

*«Марказий Осиё мамлакатларидаги интеграция алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу интеграция ўз моҳиятига кўра ҳамиша халқ интеграцияси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда»*, деб қайд қилади юртбошимиз. Дарвоқе, тили, дили, урф-одати, суви, ҳавоси бир ва ери туташ бу халқлар бутун тарихи, ўтмиши давомида ажнабий босқинчилар ҳукмронлигига қарши елкама-елка бирлашиб курашганлар. Ҳозир эса Мустақиллик ғоялари бирлаштирди уларни. Туронзамин — Мовароуннаҳр — Туркистон — Ўрта Осиё ва Қозоғистон (шўролар даврида атайлаб «бўлиб ташланиб», шундай деб ном олган эди) — Марказий Осиё деб ном олган улкан ҳудудда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари фақат тинчлик ва осойишталик йўли билан истиқболни кўзламоқдалар. Демак, муаммолари, яшаш тарзи, истиқболи муштарак халқлар тинчлик ва барқарорлик билан келажакларини ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб қурмоқдалар.

Қадимдан кўҳна ва навқирон ўлкада иқтисодий-ижтимоий ривожланиш тинчлик ҳамда барқарорлик тамойиллари асосида давом этган. Амир Темур давлатчилиги даврини эсга олинг!

Ҳозир-чи! Транспорт-энергетика коммуникациялари, сув заҳиралари умумий. Бироқ мана шу умумийликка раҳна соладиган муаммолар анча. Жумладан, Оролнинг қуриб бораётганлиги, наркотик моддалар, қурол-яроғ, терроризм, диний фундаментализмнинг минтақага ҳар хил йўллар билан кириб келиши ва ҳоказоларни айтиш мумкин. Бу беқарорлик ва хавфни фақат бирлашиб, тинчлик ҳамда барқарорлик йўли билан енгиш мумкинлигини сиёсатчилар яхши биладилар. Юртбошимиз ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлараро Кенгаши тузилди, Ҳамдўстлик дастурларини рўёбга чиқариш бўйича ижроия қўмита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилди. 2000 йилда амалга оширилаётган 50 дан ортиқ лойиҳа дастури ишлаб чиқилди, ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш учун асос яратилди.

Беш йил бурун (1995 йил, май) Ўзбекистон давлати ва унинг Президенти шу минтақада хавфсизлик тарафдори сифатида яна бир ташаббус билан чиқди. БМТ раҳбарлиги ва ташаббуси билан 1997 йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда ана шу муаммога бағишланган семинарда 20 та халқаро ташкилот ва жаҳоннинг 30 дан ортиқ, чунончи, АҚШ, Германия, Франция, Россия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа давлатларнинг дипломатия ҳамда ҳукумат вакиллари иштирок этишди. Шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатимиз мисолида Марказий Осиё давлатлари ядро қуролидан холи зонага айланиши лозимлиги ташаббуси билан чиқишини БМТ Хавфсизлик Кенгаши қўллаб-қувватлади. Президентнинг мазкур семинарда сўзлаган нутқида қуйидаги тамойиллар илгари сурилади:

— низоларни босқичма-босқич бартараф қилиш;

— манфаатдор томонлар муаммоларини музокаралар йўли билан ҳал қила бориш;

— томонларнинг бир-бирига ён бериши ва муроса йўли билан ҳал қила бориш;

— ҳар бир мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш ва қай шаклда бўлмасин, ташқаридан таъсир ўтказиш ҳамда аралашувига йўл қўймаслик;

— маҳаллий можаролар зоналарига қурол етказиб беришни қатъиян таъқиқлаб қўйиш.

Бундай тамойилларнинг жаҳон ҳамжамияти диққатига ҳавола этилаётгани фақат Марказий Осиё давлатлари учунгина бўлмай, балки хавфсиз ва тинч дунёга интилишнинг энг тўғри йўлидир. Бу тамойиллар сўнгги беш йил давомида маънавий-руҳий дунёқараш ва ўзгаришларга таъсир кўрсатиш, янгича шакл ва мазмун билан бойиди.

Тошкентда 1996 йил октябрь ойида туркий тилли давлатлар бошлиқларининг IV учрашувида Ўзбекистон Президенти шундай дейди: *«Мазкур учрашув туркий тилли давлатлар муносабатларининг асоси, яъни улар халқларининг тарихий, этник-маданий ва маънавий яқинлигидан иборат эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу ҳол ушбу мураккаб минтақада тинчлик ва хавфсизликнинг кучли кафолатини яратади»*. Учрашувда «Буюк Ипак йўлини тиклаш: маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатларнинг маданий меросини қайта тиклаш, асраш ва барқарор ривожлантириш» дастурини биргаликда ишлаб чиқиш назарда тутилди. Дастурнинг асосий мақсади саёҳат йўналишлари тармоғини кенгайтириш, халқлар дўстлиги ва маданий-маънавий меросни тиклашдан иборат эди.

Бу борада Ўзбекистон давлати ташаббуси амалий жиҳатдан ўрнак бўларли. Рим — Тошкент — Пекин автотрассаси қурилиши қадимий ипак йўлининг қайтадан тикланишидир. Ўзбекистон ҳудудида Қамчиқ довони ҳамда Андижон — Ўш — Эргаштомда халқаро автойўл қурилишининг қизғин олиб борилиши айни Ипак йўли тикланишига жавоб бўлмоқда. Бу — буюк йўл қурилишидаги ҳамкорлик давлатлар яқинлиги, иқтисодий-маънавий янгиланиш асосларини юзага келтирмоқда, улардаги тинчлик ва барқарорликка бўлган интилишни янада кучайтирмоқда.

Ўтган йил 19 июль куни Тошкентда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича «6+2» гуруҳининг учрашувида мамлакатимиз раҳбари «Тинчлик ва барқарорлик — минтақамиз тараққиётининг бош омили» мавзусида нутқ сўзлади. Бу нутқнинг асосий йўналиши афғон можаросини фақат тинч йўл билан ҳал этиш — натижада Осиё қитъасининг марказида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилди.

Умуман, инсоният тарихида жамият тараққиётини бир ҳолатдан янгиланиш ҳолатига ўтказиш, жамиятни тубдан тинчлик ва барқарорлик тамойиллари асосида ўзгартириш жуда камдан-кам арбоб-даҳоларга насиб этган. Ўз миллий давлатчилигига асос солиш, тоталитар, қотиб қолган тузум қолдиқларидан бутунлай янгича давлатчилик пойдевори — тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўли билан қуриш давлат арбоби Ислом Каримовнинг кенг кўламли салоҳияти, беқиёс ақлий ва сиёсий қудратини белгилайди. Худди шундай улкан ва шарафли фаолияти билан Ўзбекистонни мана тўққиз йилдирки, Йўлбошчимиз ривожланиш сари олиб бормоқда.

■ **Карим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

## «ҚЎЛБОЛА» ДОРИ-ДАРМОНЛАР

**Қозоғистон ҳукумати мамлакатда ноқонуний равишда дори-дармон ишлаб чиқариш авж олаётганидан ташвишланаётир. Яқинда ўтказилган тафтишда юз элликдан ортиқ турдаги дори-дармон белгиланган меъёрларга мос эмаслиги аниқланди. Айни пайтда ноқонуний дори-дармон ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланганлар устидан йигирмата жиноий иш қўзғатилган.**



## ФРАНЦИЯ БУҒДОЙИ ҚИРҒИЗИСТОНДА

**Франциянинг «Суассон» деб номланган буғдой нави Қирғизистон далаларига синов тариқасида экилган эди. Қирғиз деҳқонларининг айтишига қараганда, натижа ёмон бўлмаган. Ҳар гектардан 43 центнердан ҳосил йиғиштириб олинган. Бундан ташқари, «Суассон» сифат билан ҳам бошқа навлардан ажралиб тургани аён бўлган. Келажакда мазкур навни кўпайтириш режалаштирилмоқда.**



Голландия. Амстердам шаҳри

## ЕХҲТ: 25 ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ ҚИРРАЛАРИ

**Бундан 25 йил олдин, 1975 йилнинг 1 августида 35 та Европа мамлакати ҳамда АҚШ ва Канаданинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари Хелсинки якуний ҳужжатини имзолаган эдилар. Ушбу ҳужжат хавфсизлик бўйича янги умумевропа битими, яъни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши (ЕХҲК)га асос солди. Шарқ ва Ғарб ўртасида мулоқот ва музокаралар олиб борувчи кўп томонлама форум сифатида тузилган ушбу Кенгаш 1994 йилдан бошлаб Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) деб атала бошлади. Бу унинг хавфсизлик масалаларида муҳим роль ўйнашга бўлган интилишини акс эттиради. Бугунги кунда 55 та давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам ЕХҲТнинг аъзоси ҳисобланади.**

ЕХҲТ ўзининг 25 йиллик фаолияти давомида олий даражадаги турли саммит ва учрашувларда қабул қилинган меъёрлар, стандартлар ва мажбуриятларни жорий этишга ва уларнинг янги Европани барпо этишда қўлланма сифатида хизмат қилишига бор кучини сарфлаб келмоқда. Ванкувердан Владивостоккача бўлган геосиёсий ҳудудни қамраб олувчи, бўлинмаслик ва ҳар томонлама хавфсизлик тамойиллари, консенсус қоидаларида ўз аксини топган иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги тенгликни ҳурмат қилиш, шунингдек, бошқа ўзига хос хусусиятлари билан ташкилот ўзининг белгиланган мақсадларга эришиш йўлида ҳаётий зарурият эканлигини исботлади.

Кўпгина мамлакатларда ЕХҲТнинг ваколатхоналари очилган бўлиб, уларга превентив дипломатияни юритишда ҳамда кўзланган мақсадларни амалга оширишда асосий восита сифатида қаралади. Ушбу ваколатхоналар орқали ЕХҲТ ўзи масъул бўлган ҳудудларда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилишни рағбатлантириш ҳамда мамлакатда қонун устуворлиги тамойилларига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишга йўналтирилган фаолиятини олиб боради.

ЕХҲТнинг 25 йиллиги яна бир муҳим воқеа билан, яъни Тошкентда Марказий Осиё бўйича алоқалар ЕХҲТ Бюроси очилганлигининг 5 йиллигига тўғри келди. Бюро ҳудудий хавфсизлик муаммолари ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш чоралари, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний киритилиши ҳамда жиноятчиликка қарши кураш масалалари бўйича турли семинар ва давра суҳбатларини ташкил этиб, ҳудудий барқарорлик ҳамда иқтисодиёт ва атроф-муҳит муаммоларига диққат эътиборни қаратади. Бу эса бошқа давлатлар қаторида Ўзбекистонга ҳам халқаро ҳамжамият ва ЕХҲТ қадриятлари тизимига қўшилиш имконини берди. Бундан ташқари, Бюро ташкилотнинг иштирокчи мамлакатлари ҳамда бошқа тузилмалар билан яқин ҳамкорликда хавфсизлик борасида аниқ лойиҳалар ишлаб чиқиб, дастурларни амалга оширади, шунингдек, турли семинар ва тренинглар ўтказиб туради. Ушбу тадбирларнинг барчаси қонун устуворлигини рағбатлантириш ва демократик институтларни барпо этишга йўналтирилган. Марказий Осиё бўйича алоқалар ЕХҲТ Бюроси янги мустақил давлатлардаги муаммо ва ташвишларни яхшироқ тушунишга, шунингдек, ҳудуддаги, хусусан, Ўзбекистонда ҳам, хавфсизлик ва барқарорликка қўйилаётган тўсиқлар билан курашишга қаратилган зарур чора-тадбирларни қабул қилишга кўмаклашади.

Айни пайтда Бюро томонидан «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: гиёҳвандликнинг ёйилиши, уюшган жиноятчилик ва террорчиликни назорат қилишга бирлашган ҳолда ёндашиш» мавзуидаги халқаро анжуманга тайёргарлик ишлари олиб борилаётир. Мазкур анжуман ЕХҲТнинг амалдаги раиси ҳамда гиёҳванд моддаларнинг тарқалишини назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича БМТ Бюроси (UN ODCCP) ҳомийлиги остида шу йилнинг 19-20 октябрь кунлари Тошкентда ўтказилади.

■ «Туркистон-пресс»



Жанубий Корея. Сеул шаҳри

## АЪЛО ЎҚИШ УЧУН ХАПДОРИ

Исроилдаги Бней-Цион тиббиёт марказининг Бола ривожланиши институтида болаларнинг хотираси ва ўқишга иштиёқини яхшиловчи махсус дорининг самаралилиги тадқиқ этилди. Жаҳондаги 8 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларнинг тахминан беш фоизи эътибор чалғишининг турли шаклларидан азоб чекадилар. Ўқувчиларга дарсларда эътибор билан ўтириш, янги материалларни эслаб қолиш, ёзиш ва ўқиш қийинчилик туғдиради. Бола ривожланиши институти директори, профессор Эманеэль Тирош таъкидлашича, аввалги қабул қилинган риталин дорисини тавсия этиш кўп ҳолларда самарали бўлмади. Риталин билан даволанаётган болаларнинг ота-оналари дорини қабул қилганидан бир неча соат ўтганидан сўнг болалар бўшашиб, уйқусираб, ҳаракатлари сусайиб қолаётганига шикоят қилдилар. Олимларнинг тадқиқоти шуни кўрсатадики, риталиндан фойдаланиш услуби ўзгартирилиши керак. Янги доридан фойдаланиш синов курсини 16 кун давомида кам миқдордан бериб бориш ва боладаги ўзгаришларни кузатиб бориш зарур. Бундан ташқари даволаш давомида болаларнинг диққатини жамлашнинг дори-дармонсиз услубларидан ҳам воз кечмаслик ва даволашни бола тарбияси ва ўқитишига эгилувчан педагогик ёндашиш билан бирга олиб бориш кераклигини таъкидлашмоқда.

## ЕТМИШГА ЕТГАЧ ДАМ ОЛАДИ

Ҳа, эндиликда Японияда пенсия ёши аввалгидек 60-65 эмас, балки эркак ва аёллар учун бир хил — 70 ёш қилиб белгилаш масаласи кўрилмоқда. Бу ҳақда Япония Бош вазирининг ўзи хабар тарқатди. Ҳукуматнинг бундай қарорга келишининг асосий сабаби кейинги пайтларда Япония энг узоқ умр кўрувчилар мамлакатига айланиб бораётганидир. Шу билан бирга бу ерда туғилиш дунё бўйича энг оз миқдорни ташкил этади.

## ГИННЕСДАН КЎЧИРМАЛАР

☑ Лонг-Бич (АҚШ. Калифорния штати)да яшаган Винона Мелик ракка қарши 4 марта операция қилинган — 1918, 1933, 1966 ва 1968 йилларда. Бироқ у ракдан ўлмади. 1981 йил 28 декабрь куни ўзининг 105 йиллик юбилейидан сўнг 67 кун ўтгач, зотилжам касаллиги туфайли оламдан кўз юмди.

☑ Қорин бўшлиғини операция қиладиган энг катта жарроҳлик анжоми 1968 йили Англиянинг «Абби» компанияси томонидан тайёрланган. Бу анжомларнинг айримлари ярим метрдан ортиқ узунликда бўлган.

☑ Доктор Борни Кларкга 61 ёшида дунёда биринчи бўлиб сунъий юрак ўтқазилган. Унга Роберт Жарвик ихтиро этган сунъий юрак Солт-Лейк-Ситидаги (АҚШ) тиббий марказда 1982 йил 1-2 декабрь кунлари ўрнатилган. Борни шу сунъий юрак билан 112 кун яшади ва 1983 йил 23 мартда вафот этган. Сунъий юракнинг иккинчи соҳиби ҳам америкаликдир. У Уильям Шредер деган шахс бўлиб, операциядан сўнг 620 кун умр кўрган ва 1986 йил 7 августда у дунёга равона бўлган.

☑ Ирландиялик Уильям Макилрой давоси йўқ «Мюнхаузен синдроми» касаллиги билан оғриган энг касалманд одам ҳисобланади. 1906 йилда туғилган бу киши 50 йил ичида 100 дан ортиқ шифохонада ётиб, 400 марта катта-кичик операцияларни бошидан ўтказди ва 77 ёшида қариялар уйида вафот этди.

☑ Ўзга кишининг юраги билан энг кўп умр кўрган одам 1929 йили Америкада туғилган У. Буурендир. Унга 1970 йил 3 январь куни Стэнфорддаги тиббиёт марказида ўзга кишининг юраги кўчириб ўтқазилганди. Ҳали-ҳануз Буурен ўша юрак билан яшамоқда ва ҳозирча бирон марта юрагидан шикоят қилгани йўқ. Операцияни жарроҳ Эдвард Стинсон амалга оширган.

☑ Ўзга юрак билан яшаётган энг ёш бемор канадалик Пол Холтдир. Унга 1987 йил 16 октябрь куни АҚШнинг «Лома-Линда» госпиталида ўзга кишининг юраги кўчириб ўтқазилганди. Ўшанда Полнинг туғилганига атиги 2 соату 34 минут бўлганди. Мана энди у йигит бўлиб қолди.

☑ Шифохонада энг узоқ ётган бемор Марта Нельсон хонимдир. У Американинг Колумбус шаҳридаги касалхонага 1875 йил қишда ётган эди. Бояқиш касалхонама-касалхона кўчавериб 1975 йили Ориент шаҳридаги шифохонада вафот этган. Қизиғи шундаки, у 106 йиллик умрининг роппа-роса 100 йилини касалхоналарда ўтказибди.

☑ Ўзга юрак қуввати билан фарзанд кўрган дунёдаги энг биринчи аёл Бети Снейтдир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Бетига Америка клиникаларидан бирида 1980 йили ўзга кишининг юраги кўчириб ўтқазилганди. 1984 йил 17 сентябрда, яъни 23 ёшида у қиз кўрди.

## УЯЛИ ТЕЛЕФОНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Исроил экология вазирлиги уяли телефонлардан фойдаланишда кишиларни эҳтиёткор бўлишга чақирмоқда. Бу гап айниқса, болалар ва ўсмирларга тааллуқлидир.

Анат Маор комиссияси (МЕРЕЦ) раиси британиялик тадқиқотчиларнинг яқиндаги хулосаларини муҳокама этиш мақсадида мажлис чақирган ва уларнинг фикрича, ўсаётган бола организми электромагнит нурланишга ўта таъсирчандир. Бола бош суяги катта одамга қараганда юпқа бўлиб, нурланишнинг катта улушини ўтказиб юборади. Мажлисда электромагнит нурлар мия ҳужайралари ядросини қиздириши ва шу тариқа хатарли шиш пайдо бўлишига олиб келиши мумкин, деган фикрлар билдирилди. Уяли алоқа компаниялари вакиллари ўз навбатида Исроилдаги мобиль телефонлар ва алоқа тизими вакилларининг таъкидлашларича, улар маҳсулоти халқаро андозадаги қоидаларга қатъий жавоб берармиш. «Уяли телефонлар одам саломатлигига зарар етказиши ҳали исботланмаган» дейишмоқда улар.

## КАЛТА ЮБКАГА ҚАРШИ — ҚОНУН

Африка жанубидаги Свазиленд қироллигида янги қонун қабул қилинди. Унга кўра, эндиликда 10 ёшдан ошган ўқувчи-қизлар калта юбка кийиши тақиқланади. Агарки кимнинг юбкаси тиззадан паст бўлмаса, ўша ўқувчи мактабдан ҳайдалади.

Свазиленд таълим-тарбия департаменти бошлиғи Сибусисо Мхонданинг Би-Би-Сига берган интервьюсида айтишича, «Мактабда қизларнинг калта юбкада юриши, нафақат бошқа кишиларнинг, балки ҳатто ўқитувчиларнинг ҳам ўз ўқувчи қизларига хирсий кўз билан қарашларига сабаб бўлмоқда».

Бу қонун мамлакатда СПИД касаллигини бир оз бўлсада, жиловлаш имконини беради, дейишмоқда қонун муаллифлари. Негаки, бугунги кунда Свазилендда СПИД миллий фожиага айланиб бормоқда. Ҳозир қиролликдаги миллион аҳолининг ҳар тўртинчиси ўзига СПИД вирусини юқтириб олган. Шунинг учун ҳам у ерда ўртача умр кўриш жараёни атиги 30 ёшни ташкил этмоқда.

